



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 феврал, чоршанба № 28 (1869)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЕХҲТНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

15 феврал куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи бошланди.

Ташрифдан мақсад мамлакатимиз раҳбарияти билан Ўзбекистон Республикаси ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлини, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилишдан иборат. Музокаралар давомида ЕХҲТни ислоҳ қилиш, ташкилотнинг асосий тузилма ва институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни мувозанатлаштириш муаммоларини ҳамда Ўзбекистон-Словения ҳамкорлигининг истиқболга оид масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди ва шу тўғрисида ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг ЕХҲТни аъзо мамлакатларда мавжуд шарт-шароитга мослаштиришга қаратил-

ган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ташкилотга Словения томони раҳбарлик қилаётган даврда устувор эътибор берилган вазифалар ижросига ўз хиссасини қўшишга тайёр.

Ташкилот фаолияти ва таркибининг самарадорлигини оширишни, уч мезон - ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, ижтимоий мезонлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш заруратини давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ташкилот қамраган маконда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳозирги шароитда устувор йўналиш бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турган Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги шароитда минтақада тинчлик ва барқарорлик масалалари бутун ЕХҲТ маконинда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши керак.

Қарши туманидаги Кожор қишлоғида Жўра бобо йўлдошев деган отахон яшайди. Табарруқ қариянинг умри тракторчилик билан ўтган. Нафақага чиқиб, хайрли ишга қўл урди. Эски зовур атрофидаги ташландик ерни ўзлаштириб, 80 сотихлик томорқа ташкил қилди. Ана шу кичик майдоннинг 20 сотихига картошка экиб, ҳар йили 6-7 тонна, 20 сотихга галла ўстириб, 3-3,5 тонна дон етиштиривапти. Бундан ташқари, экилган ўрик, олча, анор дарахтлари ҳам ҳосилга кириб қолди. Ариқ четларига сабзи, шолғом, мош, ловия ва ҳар хил кўкатлар ўстирилади. Бир ёнига беда ва маккажўхори ҳам селиб қўйилган. Энг муҳими, ерининг умри бўш ўтмайди, деҳқон рўзгоридан тўкинчилик аримайди.

— Бултур картошкadan 900 минг сўм, сабзи, шолғомдан 300 минг сўм даромад олдим, — дейди тиниб-тинчимас қария фахрланиб. — Етиштирилган барча маҳсулотни пулга қақадиган бўлсак, 3,5-4 миллион сўмдан ошадим.

Қишлоқдаги кўркам ва нақшкор уйнинг энг чиройлиси Жўра бобога қарашли. Томорқа ортидан 8 нафар фарзандини уйи-жойли қилди. Невара-чеваралари билан фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигининг Кожор, Лағанди, Қорақуччи, Навбахор, Богот қишлоқларида 37 та юридик ва 27 та жисмоний шахс мақомига эга деҳқон хўжалиқлари фаолият кўрсатапти. Нафақахўр онахон Тошой момо Дониёва қарам, картошка, кўкат, саримсоқниёз етиштириб, ҳар йили 2 миллион сўмдан ортиқ даромад топаяпти. Қишлоқдошлари Шоназар Хайитов, Шарофат Тошевлар ҳам деҳқон хўжалиги очиб, картошка, қарам, исмалок, саримсоқниёз, шивит, кашнич, бодирён, помидор етиштиришапти. Маҳсулотлар Қарши шаҳри, Бешкент бозорларида арзон нархларда пулланмоқда.

Ризқ осмондан түшмайди, дейишади. Китоблик Ғайратжон Улугов томорқасида сабзавот ва полиз маҳсулот-

қабул қилиниши ва амалга оширилиши тўғрисида 6,4 мингта янги иш ўринлари берилди. Кичик бизнес ва оилавий меҳнатга асосланган тадбиркорликни ривожлантириш натижасида эса 47 мингта иш ўринлари яратилди. Воҳанинг санқат ишлаб чиқариш йўлга қўйиш имконияти кам бўлган тоғ, тоғ олди ва лалмикор ҳудудларида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди.

2005 йилга келиб томорқа

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

лари етиштириб, рўзгорини тиклаб олди. Бундай деҳқон хўжалиқларидан қўллаб-қўллаб кўлтириш мумкин. Эндилик мева, узум, сабзавот, полиз, гўшт, суг, туҳум ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари асосан томорқа хўжалиқларида етиштирилади. Экологик тоза ва чири арзон.

Истиқболнинг дастлабки йиллариданоқ халқ турмуши фаровонлигини кўтаришнинг муҳим манбаи ҳисобланган деҳқон хўжалиқлари тўғрисида 1998 йилда «Деҳқон хўжалиқлари тўғрисида» Қонунини қабул қилиниши бундай оилавий тадбиркорлик тизимларининг эркин фаолият кўрсатиши ва юксалиши учун ҳуқуқий асос яратди. Қашқадарё вилоятда қўқароларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд 541 та фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари буйича дастурлар ишлаб чиқилди. Вилоятда ўтган йили «Оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси»

хўжалиқлари сони 398 минг 421 тани ташкил этди. Уларнинг 190 минг 816 таси деҳқончилик, қолганлари чорвачилик ва паррандчилик билан шуғулланаётган. Аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда оилавий тадбиркорлик муҳим ўрин тутади. Айни пайтда 18 минг 242 та юридик мақомга эга деҳқон хўжалиқлари фаолият кўрсатапти. Уларнинг 11 минг 862 таси ўтган йили ташкил этилган ва 4839 гектар ер ажратиб берилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир деҳқон хўжалиги ўртача 1408 минг сўм даромад олаётган экан. Ҳолбуки, ишчи оқилона ташкил этаётган деҳқон хўжалиқларининг бир йиллик даромади 4,5-5 миллион сўмдан кам бўлмапти.

Аҳолиси зич жойлашган Китоб, Шахрисабз, Ғузур, Деҳқонбод, Қамаш, Яққаб, Чирокчи, Қарши туманларида томорқага талаб ва эҳтиёж катта. Тоғ олди ҳудудларда боғдорчилик ва узумчилик ривожлантириш назарда тутилди, 957 та юридик мақомга эга деҳқон хўжалиқ-

Истиқдол берган имкон

лари тузилди. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ кам таъминланган оилага 1,5 миллиард сўмлик кредит ресурслари, 2,5 мингта яқин оилага 1 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилганлиги нур устига аяло нур бўлди. Меҳнат бозоридаги вазият ижобий томонга ўзгарди. Халқ хўжалигининг расмий тармоқларида банд

жаси 46,8 фоизга тенг бўлди. Эришилган ютуқларда вилоятдаги 11 мингта яқин фермер хўжалиқларининг ҳиссаси бекёйс. Улар томонидан 330,1 минг тонналик пахта хирмони бунёд этилиб, фермерларнинг умумий ҳосилдаги улуши 70,5 фоизга өтди. Умуман, қишлоқ хўжалиғида 205 миллиард сўм даромад олиниб, харажатлар чиқариб ташлаганда, қолган фойда 60,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Вилоятда томорқани кенгайтириш, юридик мақомга эга деҳқон хўжалиқларини қўлайитириб, самарали ишлаши учун кенг имкониятлар яратиш режалаштирилган. Бултур вилоятда етиштирилган доннинг 14,9, картошканинг 89,3, сабзавотнинг 62,1, полиз маҳсулотларининг 70, меванинг 53,9, узумнинг 54,7, гўштнинг 94,8, сутнинг 97,2, туҳумнинг 71,4, жуннинг 83,7 ва қорақўл терининг 48,4 фоизи деҳқон хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келди. Бугунги кунда деҳқон хўжалиқларига 75 минг 645 гектар ер ажратилган бўлиб, 46 минг 387 киши иш билан банд.

— Она замин сийнаси тилла хумна қўмилган хазинага ўхшайди, — дейди элликдан ортиқ қовун-тарвуз навларини яратган Нишон туманидаги «Пахтаобод» қишлоғида яшовчи кекса зиротчи, халқ селекционери Ҳакимжон Усмонов. — Ерни қадрлаган киши асло кам бўлмайди. Барча бойликлар макони, инсонни едирити-ичиритган, кийинтиратган муқаддас туپроққа меҳр қўйиб улуғласак, эл-юрт фаровон, рўзгориниёз бўлади.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«НУРАФШОН»-ФЕРМЕРЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

Бувайда туманидаги «Нурафшон» кредит уюшмаси ажратаётган кредитлар тадбиркор ва фермерларга жуда кўл келмоқда. 2004 йилда иш бошлаган уюшманинг бугун 415 дан зиёд аъзоси бор.

«Нурафшон» ўтган йили тўрт фермерга молиявий кўмак берди. Бир миллион сўм миқдорда ёрдам олган «Нодирбек Асад» фермер хўжалиги ўзини тиклаб, қарзини қайтаришни бошлади.

— Айни пайтда ширкат хўжалиқлари ўрнида ташкил этилган янги фермерлардан ўнтаси молиявий ёрдам сўраб мурожаат этди, — дейди уюшма ижрочи директори Мўйдинжон Ғафуров. — Уларнинг талабларини ҳам қондиришга ҳаракат қилаялмиз.



Шу кунларда Навоий сув қурилиш очиқ акциядорлик жамиятига қарашли механизациялашган кўчма жамланма аъзолари дақиқалар қадрига етиб ишламоқдалар. Эътиборлиси шуки, ҳалол меҳнат тўғрисида олинаётган мўмай даромаднинг асосий қисми иш шароитини яхшилаш, маданий-маиший хизматни юксалтиришга сарфланмоқда.

Суратларда: корхона жўжини ҳаётдан лавҳалар. И.ҲАСАНОВ олган суратлар

МАЛАЙЗИЯ АҲЛИ ЁШЛАРИМИЗГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида сузуш буйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда юртдошларимиз Мафту-

набону Тўхтасинова, Сергей Паньков, Шоҳрух Юнусов турли масофаларга сузуш буйича барча рақиблирини орта қолдириб, олтин ме-

далларни қўлга киритди. Муштарий Аҳмедова, Зулфия Аҳмедшина, Екатерина Маматкулова, Даниил Коваль эса жамоамиз ҳисобига кумуш медал келтирди. Собит Омиловга эса кумуш ва бронза медал топишрилди.

(ЎЗА)



Қадим ва хамиша навқирон Хивада гиламчилик корхонасининг очилганига чорак асрдан ошди. Дастлабки вақтда бор-йўғи 80 минг квадрат метрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда йилига бу рақам миллионларни ташкил этапти. Хорижий мамлакатларда ҳам бизнинг гиламларга талаб катта.

1994 йили бирлашма жиссадорлик жамиятига айлантирилди. Эндиликда мулк жамоамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, маҳсулот ҳажмини ва сифатини кўпайтириш ҳисобига келаятган даромаднинг ошириш, бунинг эвазига эса ишчи-хизматчиларимиз турмуш фаровонлигини ошира бориш бизнинг асосий вазифамиздир. Бу борада корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси ҳамкорликда олиб бораётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Меҳнаткашларга барча зарур шароитлар яратилган. Ошхона, кутубхона, клуб, спорт заллари улар хизматига. Ҳар бир цехда алоҳида дам олиш, асабни тинчлантирадиган хоналар мав-

жуд. Тиббиёт масканимизда маляулаки шифокорлар фаолият кўрсатишапти. «Фитобар» ташкил этилган.

Маданий-маърифий тадбир-

КАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИК

лар мунтазам ўтказилмоқда. Турли касб эгалари — ёзувчи ва шоирлар ҳамда юртга танилган улуг инсонлар билан учрашувлар меҳнаткашлар кайфиятини кўтариб, уларни янада баракали ишлашга ундамоқда. «Маънавият ва маърифат» хонаси юксак дид билан безатилган. Корхонамиз ҳаёти,

Корхонада маънавий муҳит

босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Тарих музейи» ҳам меҳнаткашлар билан доимо гавжум. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофизатлаш доимий эътиборимизда. Жумладан, ўтган давр ичида

ломлар улашилмоқда. Тўй қилаётганларга, иморат қураётганларга, фарзандлари илк бора мактабга борадиган ота-оналарга муттасил равишда моддий ёрдам уюштирилмоқда.

Қабул қилинган жамоа шартномасида ишлаб чиқариш умумдорлиги ҳамда иш сифатини ошириш учун меҳнаткашларга барча шарт-шароитларни яратиш ўз аксини топган. «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан соғлиқни сақлаш ишларига алоҳида эътибор қаратаялмиз. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади. Фақат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир.

Раҳимбой КАРИМОВ, «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси

Масала кўндаланг қўйилади

ПАТТА ТУШУМИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИК

Халқимизнинг минталитетига хос бир одат бор. Бозор айланишини, нарх-навога кўз ташлашни ҳуш кўради. Сирдарё вилоятини ҳам ҳафтанинг деярли ҳар кунини чорва моллари савдосини ташкил этаётган бозорлар бор. Ҳўш, уларнинг бугунги аҳволи қандай? Сотувчи-ў харидорларга шарт-шароит яратилганми? Тушумлар кўнгилдагидекми?

4 феврал — қор буралаб, изғирин кўз очирмаётган кун ҳам одамларни шаштидан қайтара олмади. Кўплар қаторида биз ҳам бозор аталмиш Сардоба қўрғонининг туйнугидан (сабаби бу ернинг тўрт томони тўсиқ, бетон девордан туйнук ҳосил қилинган) кириб бордик. Оларман ҳам, сотувга чиқарилган жониворлар чўғи ҳам одатдагидан анча оз. Атиги 29 бош қорамол, 36 бош қўй, 4 бош эчки-улоқ тушибди. Аммо барибир савдо қилиди.

— Худудимизда 2 та мол бозори бор, — дейди Оқолтин туман бозорлар уюшмаси савдо нозоратчиси Ғаффор Тағирнинг бешдари. — Январ ойида 400 минг сўм тушум бўлди. Аслида «Сардоба» бозорига 40 минг сўмлик тушум режаси белгиланган. Ошириб удаллаб қолаялмиз...

Нозоратчининг гапидан ҳайратимиз ошди. Негаки, оддий ўша бозор бўлмади, деб ҳисобланган қаҳратон кунда ҳам 46 минг сўмлик патта сотилди. Қорамолга 2000 сўм, қўйларга 600 сўм, эчки-улоқларга 400 сўмдан йиғилганига шодимиз. От-ешак, аравадан ҳисобга олмадик. 11 февралда тумандаги биргина «Сардоба» бозорида, қўй-эчкини қўй тўралик, қорамол бош сони 65 тадан ошди бўлди. Қўриниб турибдики, шу бозорнинг ўзиндан ҳафтагига юз минг сўмдан ошқ тушум қилиш имкони бор. Ҳамда шундан қўйилган «Фаргона» қишлоқ мол бозори тушумини одил ҳисоблаб қўйганда, назоратчи қайд этган «режа» салмоғи анча залворлироқ бўлиши керакдек туюлди.

Мирзаобод тумани худудидидаги «Гулстон» мол бозорига ҳам бир қур назар ташлашга қарор қилдик. Бозор айланамиз. Гавжум. Оларман ҳам, сотувчи ҳам кўп. Совуқ забтига олса-да, шу кунини мол

бозорига 52 бош сиғир-бузоқ, 263 бош новвос, гунажин ва тана, 325 бош қўй-эчки сотувга қўйилди. Бир мўддат патта сотилишига ҳам кўз ташлаб турдик. Сиғир-бузоқларга - 1600, бошқа қорамолларга - 1000, ушоқ молларга - 600 сўмдан патта пули йиғилди. Патта йиғилишини бевосита вилоят бозорлар уюшмаси масъул ходими Шоҳмурод Бекмуродов назорат қилиб турганидан кўнгилмиз таскин топди. Орадан бир неча кун ўтган тушум билан қизиқиб қўрдик.

— Бир ойлик режамиз 1,5 миллион сўм. 6 феврал кунги бозордан газнага 310 минг сўм кирим қилдик, — деди бозор раҳбари Баҳодир Ашуров. Унинг ҳисобига ноаниқлик рўй берганини, бизнинг ҳисобимизча, 450 минг сўмдан ошқ патта пули йиғилганини айтишга энди оғиз жуфтлаганимизда, хонада қўқисдан Шоҳмурод Бекмуродов пайдо бўлди. Таомилга қўра танишдик.

— Мен филологман, журналистан анча юқори тураман, — деди у осмондан келиб. Анча жазавадан сўнг бу соҳа вақилларини «жиловлаб» қўяётгани хусусида мактанга кетди. Аммо филолог жаболари мол бозори патта тушумидаги номуноносиблик ҳақида эътиборини истамиди. Нега? Бозордаги ҳақиқий аҳвол ҳар қанча бўяб-бежалмасин, энг ичидида баъзи ишларни эл назаридан яшириб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, вилоятдаги ўнга яқин мол бозорлари тартибга олинса маъқул иш бўлур эди, деган фикр тугилди. Аввало нақд пул тушуми кўпаяди. Касса аппаратлари ўрнатилса, қингирликлар пайи қирқилдиб, шубҳа-гумонларга ҳам ўрин қолмасди. Афсуски, бу борада на бозорлар уюшмаси, на маҳаллий ҳокимликлар ўйлаб қўришмаётган...

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Аҳоли саломатлиги нафақат ижтимоий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Шунинг учун ҳам бу масалага биринчи даражада эътибор берилаяпти. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш қарилган давлат сиёсатининг амалий самараларини олис кишлоқлардаги шифохоналар ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Каттакўрғон туманидаги «Дурбеш» юқумли касалликлар шифохонаси ташкил этилганига кўп йиллар бўлган. Аммо, очиги, бу ердаги шароитни яхшилашга эътибор фақат республикамизнинг мустақиллиги йилларидагина эътибор куйди. Бир неча йил олдин шифохонамиз тубдан таъмирланди. Шароит талаб даражасига етказилди. Янги жиҳозлар келтирилди. Таъмирлашдан кейин ўринлар сони 60 тага етказилди. Иккита алоҳида махсус бўлимлар ташкил этилди. Даволаш масканида малакали ҳақим ва ҳамширалар беморларга хизмат қилмоқда. Улар сафида 2 нафар олий тоифали шифокор, ўндан ортиқ юқори малакали ҳамширалар бор. Айниқса, ҳақим Маъмур Мелиев, ҳамширалар Гулчехра Сафарова, Ойдинисо Тошпўлатовалар жонкуярлик билан ишлашмоқда. Тиббиёт ходимлари меҳнатининг натижаси ўлароқ ҳудудда

юқумли касалликлар билан касалланиш ҳоллари йил сайин камайиб бораёпти.

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИ



«Дурбеш» юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳақими

Ислоҳот мевалари

Беморларни дарддан фориқ қилиш мuddатлари қисқараёпти. Бунда туман санитария назорат маркази, кишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорликнинг ва аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Кейинги йилларда узокни кўзлаган режа ва дастурлар асосида иш олиб борилгани туфайли шифохонада умумий аҳоли сезиларли даражада яхшиланди. Ободончилик ишлари амалга оширилди. Шифохона ҳудудида боғ, гулзор барпо қилинди. Ер майдонининг бир қисмида етиштирилётган мева, сабзавот маҳсулотлари беморларга мўлжалланган овқатлар сифатини яхшилашга, дастурхонини бойитишга имкон бераёпти. Бунинг эвазига олинган даромад шифохона эҳтиёжларига, жумладан таъмирлашга, жиҳозлар олишга сарфланаёпти.

Бу йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан туманимизда амалий ҳаракатлар бошланди. Мазкур дастур доирасида бизнинг шифохонамизда ҳам янгиланишлар рўй бериши назарда тутилган. Бу тадбирларнинг замирида аҳоли саломатлиги манфаатлари мужассам Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир».

М. АБДУЛЛАЕВ, «Дурбеш» юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳақими

Мутахассис мулоҳазаси

УЙДАГИ ҚУЛАЙЛИК

саломатлик ва меҳнат қобилиятини яхшилаш омилidir

Инсон вужуди амалга оширилган фаолият мобайнида сарфланган қувватни тиклашга ҳақиқатан муҳтождир. Бошқача айтганда, ҳар кун маълум муддат ором олиниши керак. Бундай вақт эса кўпинча уйда ўтказилади. Худди шунинг учун хонадонимизда қулай шароит мавжуд бўлиши талаб этилади. Илмий ҳулосаларга қараганда, биз кундалик турмушда фойдаланадиган ювиш воситалари, идиш-товоқ, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, жиҳозлар ва умуман ҳамма нарса саломатлигимизга, кайфиятимизга тўғридан-тўғри таъсир қилар экан. Ҳатто, рўзгор буюмларининг шакли, ранги, ҳиди ҳам ўз хусусиятини намоён қиларкан. Бу эса «яқши дам - меҳнатга ҳамдам» деган нақлнинг замирида жуда катта маъно, турмушнинг асосий эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади.

Чикарайдиган ис гази микдори биз бир нафас чиқаришда чиқарадиган бундай газ микдоридан анча камдир. Умуман, инсоннинг турмушдаги ҳар бир фаолияти, яъни овқатланиш, ювиниш, уй йиғиштириш, кийиниш, дам олиш, телевизор кўриш, ухлаш каби ҳолатлари (харакатлари) тўғрисида, уларнинг тартиби, қоидалари, меъёри ва режими ҳақида анча батафсил гапириш мумкин. Муҳими, уларни ўринли ва оқилона қўллашдир.

Хонадонимизда қулайликни вужудга келтириш ҳар биримизнинг ўз қўлимиздадир. Уйимиздаги хоналарни ётоқ, меҳмонхона, ошхона, болалар хонаси учун ажратишда уларнинг кўчага, қуёш нури тушишига, бир-бирига нисбатан жойлашишини эътиборга олиш керак экан. Масалан, ётоқхона кўча шовқинидан ва бошқа таъсирлардан узоқроқ бўлгани маъқул, албатта. Дам олинадиган хона серхашам бўлиши ярамайди. Деворлар, жиҳозлар, буюмларнинг ранглари енгил, оромбахш бўлиши керак. Чиройли, шинам, озода, фойдаланишга қулайлик - энг асосий талаб ана шулардан иборатдир.

Бу масалаларга майда-чуйда, деб қарамастек керак. Биз ҳаммамиз ҳар кун ишдан кейин эртанги фаолият учун меҳнат қобилиятини тиклаш заруратини ҳис қиламиз. Бунинг учун эса уйимизда ях-




лар товушини қайтариб, шовқинни қучайтиради. Деворга иланган гиламлар хона ҳавосининг тозаллигига хизмат қилади. Уйимизда гуллар бўлиши ҳам муҳим. Усимликлар ҳавонинг ҳар томонлама мўътадиллаштириши. Чанг зарраларини тўтиб қолади. Намлик меъёрини сақлайди. Ҳавони километр билан бойитади. Тунги пайтда ўсимликлар карбонат ангидрид чиқариши ҳақидаги маълумотлардан чўчимаслик керак. Негаки, бутун тун мобайнида битта хонаки ўсимлик

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмаклашиш, шу жараёнда меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштиришни ташкил этиш касбаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидир. Каттакўрғон туманида кейинги йилларда ижтимоий соҳада сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланади. Биргина соғлиқни сақлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги янгиликлар фикримизга далил бўла олади.

Хозирги вақтда туманда кўплаб давлат тиббий профилактика муассасалари мавжуд. Айниқса, охириги даврга ишга туширилган ўнлаб даво масканлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиришга имкон

СОҒЛОМЛАШТИРИШ бу фақат даволаниш ва дам олдириш дегани эмас



берди. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари вақти-вақти билан корхона ва хўжалиқларда бўлиши, меҳнатқашлар саломатлигини назорат қилиб боришарди. Бундай тадбирлар касбаба уюшмалари ташаббуси билан жамоа шартномасида белгилан-

Тармоқ касбаба уюшмалари тажрибасидан

моқда. Меҳнатқашлар саломатлиги энг аввало, иш шартноларининг қандайдиган бевосита боғлиқдир. Шунинг учун тармоқдаги барча корхона ва хўжалик-

берилишига эришилди. Иккуният даражасида меҳнатқашлар санитарий йўлнамалари билан таъминланмоқда. Йўлнамаларнинг бир қисми даволашга муҳтождарга имтиёз-

шу ҳисобдан қопланади. Ёз ойларида эса мева ва сабзавотлар оромгоҳ таъминоти тўлиқдир. Тумандаги «Ёш спортчи», М. Султонов номли кундузги оромгоҳларда ҳам ҳар йили 400 га яқин болалар дам олдирилади. Хуллас, бу масалада туманда муаммо йўқ, деса бўлади. Шунга қарамастан, бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтариш мумкин. Лекин фақат бир ҳолат тўққинлик қилиб турибди назаримизда. Хозир тумандаги ширкат ва фермер хўжалиқлари А. Мўминов номли болалар оромгоҳидан 11 миллион сўмдан зиёдроқ қарздор бўлиб турибди. Давлатимизнинг «Сихат-саломатлик йили» Дастури доирасидаги тадбирлар қаторида туман ҳокимлиги ва прокуратура-си анна шу қарзларни ҳам ундириб бериш чораларини кўришса, нур устига аяло нур бўлар эди.

ларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси, иш шароитини яхшилаш масалалари алоҳида ўрин тутди. Бунга оид бандлар бажарилши туфайли ходимларни махсус ҳимоя воситалари, озиқ-овқат билан таъминлаш яхшиланиб бораёпти. Ишлаб чиқаришнинг натижаси ходимларнинг саломатлиги, меҳнат қобилияти, кайфиятига тўғридан-тўғри боғлиқлигини тушунган раҳбарлар эндиликда бу масалалар ечимида ўзлари ҳам ташаббус кўрсатишмоқда.

Кейинги йилларда жамоа шартномаларига қиртилган бир қанча бандлар ва уларнинг ижроси ходимлар меҳнат қобилияти доимо талаб даражасида бўлишига имкон бермоқда. Масалан, «Каттакўрғонпаранда» АЖ, «Ориён» фермер хўжалиги, «Стаҳел ФУДЗ» масъулияти чекланган жамиятларида иш уч сменали бўлгани учун ишчиларга 3 маҳал иссиқ овқат бепул бериладиган бўлди, - дейди туман касбаба уюшма кўмитаси йўриқчиси А. Орипов. - Бундан ташқари, кўпгина корхоналарда оғир ва зарarli шароитда ишловчиларга устамалар ҳам тўланмоқда. Иш жойларида тиббий хизмат ташкил этилган. Дам олиш мажмуалари ҳам меҳнатқашларга хизмат қилмоқда. Ишловчи хотин-қизларнинг иш вақти бир соат қисқартирилишига, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар жорий қилинишига, ҳомилалар аёлларга қўшимча туғруқ таътили

ли тарзда ёки бепул берилаяпти. Меҳнатқашларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги ишлар ҳам ибратли. Тармоқ тасарруфидаги А. Мўминов номли болалар оромгоҳида ҳар йили 650-700 нафар бола дам олдирилади. Уларнинг 30 фоизига оилавий шароити ҳисобга олинми, йўлнамалар хўжалиқлар, касбаба уюшмалари ҳисобидан бепул берилади. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур оромгоҳнинг 10 гектар ер майдони бўлиб, кўпгина харажатлар

анада қувончлидир. Умуман, агросаноат мажмуи ходимлари касбаба уюшма Каттакўрғон туман кўмитаси ва бошлангич ташкилотлари меҳнатқашларни соғломлаштириш борасида режалани, изчил иш олиб бор-

ли тарзда ёки бепул берилаяпти. Меҳнатқашларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги ишлар ҳам ибратли. Тармоқ тасарруфидаги А. Мўминов номли болалар оромгоҳида ҳар йили 650-700 нафар бола дам олдирилади. Уларнинг 30 фоизига оилавий шароити ҳисобга олинми, йўлнамалар хўжалиқлар, касбаба уюшмалари ҳисобидан бепул берилади. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур оромгоҳнинг 10 гектар ер майдони бўлиб, кўпгина харажатлар



ONALAR MAKTABI

эмас. Оммавий спорт тадбирлари ҳам саломатликни мустаҳкамлашнинг жуда яқши омилidir. Туманда тармоқ бўйича ҳар йили бир неча бор спорт мусобақалари ўтказилади. Бундай тадбирлар қатнашчилари сони муттасил ўсиб бораёпти. Касбаба уюшмалари ва хўжалиқлари спорт жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда. Спорт анжумалари ва либослари билан таъминлаш яхшиланди. Бундай тадбирларни ўтказишда мунтазамлик ва оммавийликка эришилган жойларда саломатлик курсаткичлари ҳақида юқори бўлади. Қисқаса, туман тармоқ касбаба уюшма кўмитаси ва бошлангич ташкилотлар юқорида айтилган масалаларга доимий эътибор бериб келишмоқда. Мазкур йилда бу тадбирларнинг аҳамияти ва қўлами янада ортади.

Р. КУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

ҚОРИН ДАМЛАНСА...

Сурункали қорин дамлашишдан азият чекадиган кишиларга картошка даво бўлади. Бир-икки дона картошкани арчиб, қирғичдан ўқазилди ва тунда оз-оздан чайнаб ейлади. Унинг тахирлигини енгиш учун асал ёки шакар қўшиш мумкин. Эрталаб қорин дамлашишдан асар ҳам қолмайди.

САРИМСОҚПИЁЗ ТУТУНИ

Тумов ёки гриппга чалинган қолсангиз саримсоқпиёздан наф толасиз. Бир бош саримсоқпиёзни олиб, ўрта-сиддаги ўзак пояни ажратинг. Бу пояни ёқиб қерак. Бироз ёнгандан сўнг оловни ўчириб, тутидан чуқур нафас олинг. Тезда дардан фориқ бўласиз.

Шарқ табobati жуда қадимий тарихга эга. Буюк аллома Абу Али ибн Сино уни юқори босқичга олиб чиқди. Унгача, ундан кейин ҳам олимлар табобатни ривожлантириш ҳаракатидан тўхтамадилар. Уша даврларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Хиндистон табобатлари ўзaro яқин алоқада эди. Уш ўрнида ҳазрат Навоий ҳам фаннинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга уринди. Унинг маънавий ва моддий кўмагида машҳур тарихчилар, санъатшунослар, наққошлар, шоирлар ва табиилат оғишиб чиқди. Мирзо Бобур таъбири билан айтганда, «Ахли фазл ва ахли хунарга Алишербекча мураббий ва мукаввий маълум эмаским, харгиз пайдо бўлиши бўлмай».

Урта асрларда яшаб ўтган шоир ва файласуфлар ўз асарларида табобат, табобат, даволаш ва саломатлик ҳақида теран фикрлар билдиришган. Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» китобида «Табоб нозик табиятли, доно қалби ва ҳозик бўлиши керак» дейилган. Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавийи маънавий» асариди, Абдурахмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» дostonларидан бирида ушбу мавзуга кенг камровли ва фалсафий муносабат билдирилган. Ибн Сино эса «шоир тилининг амири бўлганидек, табоб баданнинг шоҳидир» деган эди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини диққат билан ўқилса, табобат ва даволаш усуллари ҳақидаги теран мисраларни илгаш мумкин. Жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб» асаридида табобга «ўз фанида ёзади

даврининг энг машҳур табоблари Хиротда тўланди. Бу иморатнинг гоғийи илҳомчиси Навоий, биноркор устаси Маҳдун Милкат ого эди. Бу ҳақда Хондамир узининг «Хулосат ул-ақбор» китобида шундай деб ёзади: «Масжиди Жомъеий жанубида Дорушифо бўлиб, у бағоят латофатли ва ниҳоятда назоратли қилиб қурилган. Бу жаннатшон бинолар орасида кавсар

ДОРУШИФО ва шарқ табobati

(ҳозиклик) керак ва боғлар ҳолига шафқат - деб ёзади ҳамда фикрини давом эттириб, бошқа ўринда айтдики, «мундоғ табобининг юзи мариш (бемор) қўнгила маҳбубдур ва сўзи бемор жонига мардан сўзи зарурилигини бундан да мукаммал ифодалаб бўлмас керак. Навоий табобат ҳақида фикр билдириш билангина чекланиб қолмаган. Унинг инсонпарварлик тисоли бўлган ва халқ учун қилган энг тенгсиз хизматларидан бири Хиротда Дорушифо (даволаш уйи) очганидир. Натижада ўша

этиклари бой ва камбағал, ахли юрт ва мусофирлар учун баробар очик бўлган. Бу ерда ғарибу гураборларга овқат, дори-дармон текин берилганига шубҳа йўқ. Чунки, Хондамир маълумотларига қараганда, Навоий даврида Хиротдаги масжид ва мадрасаларда ҳам ғарибларга текин таом берилган.

Дорушифо табоблари имкон қадар узок-яқин мамлакатлар билан алоқа ўрнатилган. Хусусан, ўша вақтда Самарқанд билан алоқалар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, Абдурахмон Жомий, Ҳўжа Убайдуллох Ахрор ва бошқалар Дорушифо хизматига эҳтиёжмандлик юзасидан Навоийга мактуб йўллашган. Бунда нафақат ўзларининг, балки бошқа дардмандларнинг манфаатлари назарда тутилган. Самарқандлик мавлоно Мухаммад ўзининг «Масмуот» китобида Ҳўжа Ахрор бевоб бўлиб қолганида Хиротга бориб, табоб олиб келганини ёзади. Мир Абдулаввалининг Навоийга ёзган хатидан кўринадик, Самарқандда вабо ва ўлат таркаганда Хиротдан махсус мурдору келтирилган. Машҳур Дорушифога жалб этилган илк табиблардан бири ва шифохонининг етакчи табии Абу Бакр Розий эди. Дорушифода ўз

Тарихга назар

даврининг энг билимдон, етук табоблари Ғиёсуддин Мухаммад, Дарвеш Али, Низомуддин Абдулхай, Мавлоно Мухаммад, Абдулхай Туний, Мухаммад Муъин, Кутбиддин Одам кабилар фаолият юритишган. Уларнинг табобатни ривожлантириш ва эл саломатлигини йўлга қўйишга қўшган ҳисса асарларида ўз ифодасини толган. Навоийнинг инсонпарварлик гоғялари туфайли бунёд этилган Хиротдаги Дорушифо шарқ табобати раванқида ўзига хос муҳим босқич бўлди. Дорушифода камолга етган кўпгина табобларнинг довури бутун дунёга кетган. Бу мактаб аъёналари кейинги асрларда ҳам давом эттирилган. Хиротдаги Дорушифонинг кўзга кўринган вақилларидан бири Юсуфий ибн Мухаммад ибн Юсуф табиб ал-Харавийнинг Бобур Хиндистонга қачириб олган. Хирот табобати намояндаларининг бир қанча китоблари бизнинг давримизга ҳам етиб келган. Уларни ўрганиш ва ўринли қўллаш фақат наф келтиради. Комила УМИРОВА тайёрлади.

ЭНГ ЯҚШИ ШИФО МАСКАНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

Сўнги беш йил мобайнида Самарқанд шаҳрида касбаба уюшмалари маблағи ҳисобидан «Делфин» ёлқ сузиш ҳавзаси қайта бунёд этилди. Шу муддат ичида вилоят меҳнатқашларидан қарий 10 миң киши ўзлари хоҳлаган энг яқши санаторий-профилакторийларда саломатликларини тикладилар. 80 миңг 210 нафар бола ёзги оромгоҳларда кўнгили дам олди. Равшани, мақсадга эришишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни алоҳидадир. Бошлангич касбаба уюшма ташкилотлари оммавий мусобақалар ўтказиш, гоғилбарни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келимоқда. Спортга бўлган иштиёқ туфайли Самарқанднинг қатор иқтидорли ёшлари нуфузли беллашувларда гоғил бўлишди. Хусусан, вилоят касбаба уюшмалари спорт жамияти болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг тарбияланувчилари Б.Усмонов оғир атлетика, Д.Нурмамадов муайтай бўйича Осиё чемпиони бўлишди. Ю.СОБИТОВ

ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛАЙЛИК

Инсон учун энг кераклиги саломатлик, дея кўп таъкидлаймиз-у бироқ, соғлигимиз ҳақидада ҳаққда лозим даражада бош қотирмаймиз. Сир эмаски, кўпгина ишчи-хизматчилар, мисиркорларнинг таътил давларини турли тадбирлар ёки уй-жойни таъмирлашга сарфлайдилар. Вақти-вақти билан шифокор назоратидан ўтиб, муолажалар олиш нақадар муҳимлигини кўтда тушуниб етмайми.

Бир вақтда келиб касалга чақилганидан сўнггина поликлинника ёки касалхонага юзурамиз. Энг ёмони қиллардир беларволиги туфайли касални ўтказиб юборган бўлади. Республикамиз ҳукумати эл саломатлиги йўлида бекёйс ишларни амалга оширмоқда. Аҳолиб санаторий-профилакторийлар, касалхоналар шу юрт эгаларига мунгазир. Бас, шундай экан, энг бебаҳо бойлик саломатлик ҳақида алоҳида қайғурайлик. Р.ЖУРАКУЛОВА, ИШОНЧ

